

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 февраль, № 34 (7814)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Хамкорлик

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нормоева ва Исроил давлати Кнессети (парламенти) Спикери Ярив Левин ўртасида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Унда парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва муносабатларни янада мустақамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар илҳомдор бўлаётган, парламентларо алоқалар сезиларли даражада жонланди ва доимий тус олмоқда.

Сўбат чоғида икки томонлама муносабатларни кенгайтиришда парламентларо алоқалар муҳим ўрин тутгани қайд этилиб, айни чоғда Олий Мажлисда Исроил давлати парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳ

фаолият олиб бораётгани эътироф этилди.

Ўз навбатида, Исроил давлати Кнессети Спикери Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо бериб, икки давлат муносабатлари кўп йиллик тарихга эгаллигини таъкидлади.

Шу билан бирга, томонлар иқтисодий, туристик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда худудларо ҳамкорликни янада мустақамлаш масалаларига эътибор қаратди. Хусусан, Орлобўйи минтақасида янги лойиҳаларни амалга ошириш, икки давлат ўртасидаги авиақатновларни тиклаш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги парламентларо мулоқотни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Мунисон КАРИМОВА («Халқ сўзи»)

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, яратувчанлик руҳида яшаши ҳаёт тақозоси, ижтимоий заруратга айланиб улгурди. Бугунги кунда фуқароларимиз нафақат ислохотлар иштирокчиси, балки ташаббускорига айланиб бормоқда.

Сайловлар ана шундай фаол фуқаролик позициясини намоён қилишининг муҳим воситаси, демократик тизимнинг устунидирдан бири ҳисобланади. Сайловлар орқали фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этади, давлат органларини демократик тарзда шакллантиришга ўз хоҳиш-иродаларини билдириш орқали қатнашади.

Таҳлил

Юртимизда сайлов қонунчилиги бошқа соҳа каби жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илҳом ривизида такомиллаштириб борилмоқда. Асосийси, бу ислохотларнинг барчаси халқимиз ва биз яшаётган мураккаб даврнинг ўткир талаблари ҳисобга олиниб амалга ошириляпти. Бунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегияси дастуриламал бўлаётди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва 2019 йил 25 июнда имзоланган, халқаро стандартларга мос ҳамда жамиятимиздаги барча сиёсий нуқтаи назарларни ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг амалиётга жорий қилиниши миллий сайлов тизимида янги даврни бошлаб берди.

2019 йил 22 декабрдаги сайловларнинг янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида уюштирилгани бу жараён умумэтироф этилган халқаро стандартлар, принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ўтказилишида муҳим омили бўлди. Сайлов жараёнлари каби уни тартибга солувчи қонунчилик ҳам динамика ривизида такомиллашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида қайд этилган “Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб ишонаман”, деган фикрлари билан жорий йилги сайловлар мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик тўйи нишонланаётган муҳим тарихий даврда юртимизнинг демократик ислохотлар йўли ортага қайтмаслигини тасдиқловчи муҳим омили бўлишига ишонч билдирди.

Яқинда қабул қилинган “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун бу борада муҳим асос сифатида хизмат қилади.

Мазкур қонун 2020 йилги Давлат дастурида белгиланган вазифалар, шунингдек, миллий ва халқаро экспертлар тавсиялари, илгор халқаро тажриба асосида кенг жамоатчилик фикри инобатга олинган ҳолда қабул қилинганлигини қайд этиш зарур.

Қонун мамлакатимиз сайлов қонунчилигини бир қатор йўналишларда такомиллаштиришга хизмат қилапти.

2019 йил 22 декабрдаги сайловларнинг янги қабул қилинган Сайлов кодекси асосида уюштирилгани бу жараён умумэтироф этилган халқаро стандартлар, принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ўтказилишида муҳим омили бўлди. Сайлов жараёнлари каби уни тартибга солувчи қонунчилик ҳам динамика ривизида такомиллашмоқда.

Қонун мамлакатимиз сайлов қонунчилигини бир қатор йўналишларда такомиллаштиришга хизмат қилапти.

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ

Жаҳон банкининг “Статистика салоҳияти индекси” давлатларнинг статистик салоҳиятини, мазкур йўналишда эришаётган ютуқлари ва миллий статистика тизими рақобати борасида олиб бораётган ислохотлари натижаларини акс эттиради.

Юксалиш

Ўзбекистон Республикаси илк бор мазкур индекс бўйича 2016 йилда баҳоланган ва ўшанда 48,9 баллга (133- ўрин) эга бўлган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар статистика идоралари фаолиятида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ҳамда 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг ва шафдоқлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек, уларнинг икроси юзасидан қабул қилинган ҳуқуқматнинг 30 дан зиёд қарорлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Президент Фармони билан турли нуфузли халқаро рейтинглардаги кўрсаткичларга масъул бўлган мутасадди вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар белгилаб берилди. Шунингдек, рейтингларда



мамлакат позицияларини яхшилаб бориш юзасидан илҳом изланишларни мунтазам давом эттириш бўйича илҳом-тадқиқот муассасаларига вазифалар юқланди.

Шулардан келиб чиқиб, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар веб-сайтларида барча асосий молиявий, иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичларни эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. Хусусан, бугунги кунда қўмита веб-сайтида 20 та бўлимда 279 та жадвал қўриқинида 2 миллиондан зиёд статистик кўрсаткичлар тўплами жойлаштирилмоқда.

Мамлакатимиз бўйича статистик маълумотларнинг халқаро миқёсда очиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим тадбир сифатида 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишининг умумий тизимида 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлар тўплами эълон қилиб борилаётди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар мазмунида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлигининг соҳа йўналишлари бўйича масъул бош бошқармалари бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуман

Таъкидланганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ватан ҳимоячиларига худудларда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар ажратилди. Уларнинг фарзандлари учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимиз қарорлари билан қабул қилинган дастурлар асосида 2017 — 2020 йиллар давомида 6 минг 215 нафар ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари замонавий ҳамда шинам турар-жойлар билан таъминланди.

Президентимизнинг 2018 йил 14 майда қабул қилинган

“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун республика олий ўқув юртиларига 5 фоиздан зиёд давлат гранти асосида қабул қилинди.

Юртимизда барча ҳарбий хизматчилар ҳарбий тиббий муассасаларда бепул тиббий хизмат, дори воситалари ва бошқа тиббий мулк билан бепул таъминланиши, ушбу муассасаларда бирон-бир диагностика текширув аппаратлари ёки даволаниш учун зарур имконият бўлмаганда республикаимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат мақсапларида бепул қўриқдан ўтиш, даволаниш ҳуқуқига эга.

ИЛМ-ФАНГА МУНОСАБАТ ВА ЁНДАШУВ

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2021 йилда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар ўз аксини топди. Илм-фан соҳасини ривожлантириш, таълим йўналишида ислохотларни амалга ошириш, хусусан, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг интилишларини рўйбога чиқариш масаласида алоҳида аҳамиятга эга бўлган аниқ ҳамда ислохот масалалар белгилаб берилди.

Нуқтаи назар

Айни пайтда Олий ва ўрта махсус таълим, Инновацион ривожланиш вазирликларидаги масъуллар бу борада юртимизнинг барча даражадаги олимлари билан мулоқотга киришиб, улардан тақлифлар олмоқда. Назаримизда, илм-фанга муносабат ва ёндашувда қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Вақт тизими, деб шошилган равишда хулосалар қилиш

ярамайди. Шу сабабли қандайдир норезал мuddатлар қўйиб, турли “йўл хариталари” ишлаб чиқилган узоқроқ бўлган маъқул, деб ўйлашмай.

Табиий савол туғилади. Ҳўш, барча илҳом текшириш институтларида ҳам тижоратлаштиришга, амалиётга татбиқ этиш учун тайёр, жаҳон миқёсда рақобатбардор ишланмалар борми? Бунга аксарият ҳолларда “ха” деб жавоб бера олмаимиз.

Кези келганда айтиш керак, тайёр ишланмаларни етарлича самарали тижоратлаштириш механизмида ҳам нуқсонлар бор. Бу — бюрократик характердаги тўсиқлар, давлат қорхона-ташкилотларидаги эскича муносабат ҳамда баъзи ҳолларда коррупцион манфаатлар қўриқинида намоён бўлаётгани ачинарли ҳол. Бунда эса олимларнинг айби йўқлиги аниқ. Ўз навбатида, ЎЗФА таркибидagi илҳом-тадқиқот институтларининг бюджет

таъминотига ўтказилиши бу жараёнга яхшигина ижобий туртки беради, деб ўйлашмай. Долзарб йўналишларда илҳом тадқиқотлар олиб бориш, илҳом ишларини самарали тижоратлаштириш натижасида давлат илм-фанга ажратадиган маблағлар тўлиқ ўзини оқлай бошлайди. Бошида бундай бўлмаслиги аниқ, чунки хали илҳом-тадқиқот институтларимиз замонавий лаборатория жиҳозларига эга бўлиши, малакали мутахассисларни тайёрлаб улгурishi, хозирги кунда фаолият олиб бораётган ходимларнинг илҳом йўналишларини ўзгартиришлари ҳам вақт, ҳам молиявий маблағ зарур бўлади. Асосийси, бу жараёни тўғри йўлга қўйиб олиш.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — 2021: БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш мuddати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди:

<p>✓ туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўлиниши;</p>	<p>✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги Фармонида назарга тутилган вақтинча қийинчиликларни бошлан кечираётган хўжалик юртувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мавжуа қарзига пеня ҳисобланганини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби;</p>	<p>✓ коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қоллақча турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фойсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;</p>	<p>✓ “хуфиёна иқтисодиёт” улушини қисқартириш учун солиқ алутии ўтказишга “таҳлика-таҳлик” тизими бошқичма-бошқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ алутии ўтказилишига мораторий.</p>
<p>Мушохода</p> <p>Сай-харақатлар зое кетмади. “Парвоз Хўмо Равнақ Транс” масъулияти чекланган жамиятини таъсис этди. Қорхонамиз томонидан ўтган давр ичида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.</p> <p>Баҳариланган ишларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси — инвестиция дастурлари асосида, кредит ва МФЧнинг ўз маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва иқтисодиёт ривожига ҳисса қўлиш мақсадида қўриқлаётган ҳамда қўриқилиши ақланган объектлар. Иккинчиси — ҳомийлик ва меҳр-саховат йўналишидаги сай-харақатлар. Биринчи тоифага мансуб ишларнинг аксарияти мавсуфқаиятли кўн тоғмоқда.</p> <p>Масалан, Олот туманидаги пахта тозалаш заводи реконструкция қилиниши натижасида тола олиш сифати яхшиланди, бино қўрқам ва замонавий қўриқнишга эга бўлди. Бундан ташқари, 6 миллион АҚШ доллари (шундан 2,5 миллион доллари банк кредити, 3,5 миллион доллари қорхонанинг ўз маблағи) миқдоридagi маблағга ёғ-мой заводи қўриқилиш бошланди, ҳозирда охириги синов ишлари давом этипти.</p>		<p>2</p>	<p>2</p>

«Халқ сўзи»

